

ОДАМИЙЛИКНИ УНУТМАЙЛИК

Тобутни кўтарган одамлар қабристон дарвозасидан кириб, қабр тепасигача лой кечиб боришларини бир тасаввур қилиб кўринг?! Биргина Тошкент вилоятидаги 147 қабристон худудининг фақат кириш қисмигина асфальт қилинган бўлса, 130 тасидаги йўлақларга умуман аҳамият берилмаган

4
ВЕТ



БАРЧА ИЛЛАТЛАР «ДОЯ»СИ

Ичкилик инсонлар бошига не-не кулфатларни солмаган дейсиз. Аммо негадир айримлар бунга тушунинишга истамайди, оқибатда унинг касри билан содир бўлаётган фожиялар тугамайди. Мастиликда қилиб қўйган ишдан сўнг «шайтон йўлдан урди», дея ўзини оқламоқчи бўладилар.

10
ВЕТ

Mustaqillik huquq demakdir

Нидо



О'ЗBEKISTON
RESPUBLIKASI BOSH
PROKURATURASINING
NASHRI

1997-йил 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2009-йил 2-апрел, № 14 (639)

УЧРАШУВ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоларининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари тингловчилари билан «Ижро иши юритиш тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунидан келиб чиқадиган вазифалар» мавзусига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

Тингловчилар Парламентда

Унда таъкидланганидек, мазкур қонун билан мажбурий ижро механизмини тақомиллаштиришда, суд ижрочиларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлигини кучайтиришда, шунингдек, ижро ҳужжатларини қасддан ижро этмаганлик учун жавобгарлиқни кучайтириш суд қарорларини ижро этиш жараёнида содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш ва барҳам беришда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, суд департаменти фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга йўналтирилганлиги билан келгусида мазкур соҳада ишларни самарали ташкил этишга асос бўлиши эътироф этилди.

Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик-процессуал, Хўжалик-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани, унинг ижросини таъминлашда прокуратура органларининг вазифалари хусусида фикр алмашилди.

Сўхбат жараёнида, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари тингловчилари ўзларини қизиқтирган саволлари юзасидан тегишли жавоблар олишди.

Ўттиришда **ДЕХҚОНОВ**, «**Нидо**» мухбири

ХАБАР

Ўқув курси якунланди

Адлия вазирлиги ташаббуси билан вазирлик ва унинг тизимига кирувчи муассасалар фаолияти, уларда олиб борилган ислохотлар билан боғлиқ материаллар сифати ва мазмундорлигини ошириш ва бу билан фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида Республика Юристар малакасини ошириш марказида маҳаллий журналистлар ҳамда худудий адлия бошқармаларининг ахборот хизматига масъуллар учун махсус ўқув курси ташкил этилган эди.

Амалиёт давомида ўқув курси тингловчилари Адлия вазирлиги Ахборот хизмати, ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси фаолияти, вазирлик муассислигидаги «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетаси ҳамда «Ҳуқуқ ва бурч» журналида ҳуқуқий мавзудаги материалларни ёритиш тажрибаси ва усуллари юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашилди. Шунингдек, улар вазирликда ташкил этилган марказ томонидан ишлаб чиқилган «Lex.UZ» Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжат-

лари маълумотлари миллий базаси билан яқиндан танишишди.

Ўтган ҳафта тингловчилар Бош прокуратурада «Прокуратура тизими фаолиятини матбуотда ёритиш амалиёти. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизмати тажрибаси» мавзусида амалий машғулотда иштирок этишди. Амалий машғулот давомида Бош прокуратура Матбуот хизмати раҳбари С.Ортиқова томонидан тингловчиларга прокуратура тизими фаолиятининг ошқоралиги, ОАВ вакиллари билан ҳамкорликни янада яхшилаш бора-бора амалга оширилаётган ишлар, ОАВда юридик тилдан фойдаланиш хусусиятлари тўғрисида маълумотлар берилди.

Машғулотларда тажрибали журналистлар томонидан мастер-класслар ташкил этилиб, тингловчилар тайёрлаган сифатли материаллар алоҳида таъкидланди. Ўқув курси тингловчилари бугун якуний имтиҳонларни топширадилар.

Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати

ТАДБИР

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМДОНЛИК ЗАРУР

Андижон вилоят прокуратураси томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид қонунлар ижросини таъминлаш ишларига алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Яқинда Асака шаҳри, Қўрғонтепа ва Олтинкўл туманларида вилоят ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа идоралар раҳбарлари иштирокида тадбиркорлар билан семинар-учрашувлар ўтказилди. Унда иштирок этган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов қонунларни шарҳлаш билан бирга тадбиркорларнинг саволларига батафсил жавоб берди. Вилоят прокурори Б.Деҳқонов тадбиркорлар фаолиятига байриқонуний аралашishi, манфаатларига зарар етказиш, ҳужжатларни расмийлаштиришдаги бюрократик тўсиқларга нисбатан кескин чоралар кўрилаётганини мисоллар билан кўрсатиб ўтди.

Хусусан, Бўз туман ер ресурслари ва давлат ер кадастр бўлими мансабдор шахслари тадбиркорлар А.Валихонов, Х.Қобулов, У.Ҳасанбоев ва яна уч нафар тадбиркорнинг ер ажратиш бериш ҳақидаги мунозараларини белгиланган тартибда ҳал қилишмаган. Шунингдек, 60 нафар тадбиркорнинг турли мазмундаги мунозараларини ҳал этишни ҳам пайсалга солиб келишган. Ушбу идора бошлиғи Қ.Тошматов жиноий жавобгарликка тортилди.

Андижон шаҳар архитектура ва қурилиш бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Ю.Мирзаевага нисбатан ҳам жиноят иши кўзга тилди. У «Металлторг люкс» МЧЖ раҳбари Р.Иброҳимовнинг электр таъминотини яхшилаш учун ер ости кабелини ўтказишга ружатнома бериш ҳақидаги мунозаратини ярим йил мобайнида қўриб чиқмаган. 6 нафар тадбиркорларнинг мунозаратларини ҳам қонунда белгиланган муддатларда ҳал қилмаган. Текшириш мобайнида тадбиркорларнинг мунозаратлари қўриб чиқилиб, ружатномалар берилиши назоратга олинди.

Айрим банк муассасалари раҳбарлари тадбиркорларнинг ҳисоб рақамларидаги маблағларини талон-тароҳ қилган ҳолатлар ҳам аниқланди. Бундай ҳолатлар бўйича жиноят ишлари кўзга тилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилляпти.

Ҳақ-ҳуқуқини ўрнида талаб қила олмаслик қонунбузилишларнинг билвосита сабабларидандир. Вилоят прокуратураси ходимлари учрашув ва сўхбатларда тадбиркорларни ҳуқуқий фаолликка чорламоқдалар.

Хусан **РАҲМОНОВ**,
Андижон вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори



Юртимизда ёшларнинг баркамол ўсиб-улгайишлари учун шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Бу ишда прокуратура органлари ҳам четда тургани йўқ. Қорақалпоғистон Республикаси ва Беруний туман прокуратуралари ташаббуси билан ота-бизга олинган тумандаги «Озод» овул фуқаролар йиғини худудидоги 15-сонли 630 ўрилли мактаб шулар жумласидандир.



Собиқ Иттифоқ даврида қурилиши чала қолиб кетган ушбу мактаб яқинда ҳомийлар ва сарҳавотеша тадбиркорларимиз кўмеги билан қуриб битказилди. Бу савобли ишда айниқса, тумандаги «Беруний Агроқурилиш» масбуулияти чекланган жамиятни қурувчиларининг ҳиссаси катта бўлди.

Суратларда: мазкур мактаб кўринишидан лавҳалар.

СЕМИНАР

ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАР АМАЛДА

2009 йил 28 март куни Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси марказий маҳкамасининг мажлислар залида Республика ҳарбий прокуратураси, Тошкент ҳарбий округ ва Чирчиқ ҳарбий суди судьялари иштирокида «Ўзбекистон Республикасида авф этишни амалга ошириш тартиби ҳақида»ги Низом талабларини ўрганиш юзасидан ўқув-семинар машғулоти ўтказилди.

Машғулотда Республика Ҳарбий прокурори биринчи ўринбосари Ё.Сафаров кириш сўзида юртимизда олиб борилётган суд-ҳуқуқ ислохотлари-

ни чуқурлаштириш юзасидан қабул қилинаётган Президент фармонлари ва қарорларини ижро этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдига муҳим вазифалар қўйилаётганини, шу сабабли мунтазам равишда уларни ўрганиб бориш лозимлигини таъкидлади. Шу мавзуга бағишланган маърузада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 мартдаги Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида авф этишни амалга ошириш тартиби ҳақида»ги Низомнинг мазмуни ва моҳияти, унга кўра шахслар томонидан киритилган ил-

тимосномаларни қўриб чиқиш давомида суд ва прокуратура органлари олдида қўйиладиган талаблар хусусида сўз юритилди. Музокараларда семинар иштирокчилари ўз фикр ва мулоҳазаларини баён этишди ҳамда уларнинг саволларига жавоблар берилди. Низом мазмуни ва моҳиятини тарғиб қилишда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланиш юзасидан таклифлар билдирилди.

Мирвоҳид **ОТАБОЕВ**,
Республика Ҳарбий
прокуратураси бўлим прокурори

Коракалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, мамлакатга олиб келиш ва сотиш билан шуғулланувчи хўжалик юртувчи субъектларда Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши юзасидан текширишлар ўтказилди.

Бирники мингга...

Текширишда аниқланган бир қатор қонунбузилиш ҳоллари кишини жиддий уйга толдиради. Жумладан, Тўрткўл туман Истиклол кўчаси 4-уйда жойлашган масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Динур» Ўзбекистон-Канада кўшма корхонасида ўтказилган текширишда корхона мансабдор шахслари давлат томонидан қатъий ҳисобга олинган ва фақат рецепт билан сотилиши лозим бўлган 11 та атамадаги 8 млн. 159 минг сўмлик кўчи таъсир этувчи дориларни рецептсиз муомалага киритиб, савдо қондаларини қўпол равишда бузишган. Энг ачинарлиси, корхона мансабдорлари фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия олишда ҳужжатларни сохташтирашган. Яъни, улар лицензияловчи органга фуқаро Э.Қурбонбоевага тегишли дипломнинг нотариал нусхаси ва ишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирма тақдим этиб лицензия олишган. Аслида эса Э.Қурбонбоева корхонада ишламаслиги ва лицензиядан хабари йўқлиги аниқланди.

Бундан ташқари, улар томонидан 2005-2006 йилларда 3 млн. 237 минг 400 сўмлик солиқ солинадиган база атайин камайитриб кўрсатилиб, давлат ва жамият манфаатларига жиддий зиён етказилган. Мазкур ҳолатлар юзасидан ЖКнинг тегишли моддаларига асосан жиноят иши кўзгатилди.

Текширишда аниқланган яна бир ажабланарли ҳолат: кимдир-биронинг номидан хусусий фирма ташкил этиб, фаолият юритса-ю, у жимгина қараб туриши мумкинми?

Нуқсуда худди шундай бўлган. Хусусан,

фуқаро А.Солиев 2004 йили Нукус шаҳри П.Сейтов кўчасида яшовчи М.Тўлепбергенов номидан «Элис-медик» хусусий фирмасини ташкил этиб, 2007 йилнинг июнь ойига қадар фирманинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини юритган. Ушбу давр ичида фирманинг барча расмий ҳужжатларига имзоларни унинг номидан ўзи қўйган. М.Тўлепбергеновнинг айтишича, А.Солиев ҳозирги вақтда чет элда яшар экан. Ушбу ҳолат юзасидан ҳам жиноят иши кўзгатилди.

Шу ўринда фуқароларимиз ноқонуний иш тутиши оқибатида катта миқдорда зарар кўриб қолаётган ҳоллар ҳам учраётганини таъкидлаш ўринлидир. Масалан, тўрткўлик И.Исчанов, У.Қурбонов, А.Ниязимбетов, У.Сапаев, И.Айтимов, С.Муфтуллаев, Х.Майчановлар Корей Республикасида ишлаш учун расмий идора-ларга мурожаат қилиш ўрнига Тўрткўл туманида яшовчи Зухра Уринова ва унинг шериклари ваъдаларига ўчиб, уларга 750 минг сўм ва 2400 АҚШ доллари, жами 5 млн. 250 минг сўм ва 16500 АҚШ долларини беришган.

Наҳотки улар одам савдоси билан боғлиқ жараёнлардан баҳабар бўлишса?

Халқимизда «бирники мингга, мингники туманга» деган гап бор. Юқоридаги қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган шахсларнинг тегишли тартибда жавобгарликка тортилганлиги кўпчиликка сабоқ бўлиш лозим.

Муратбой АРЗИМБЕТОВ,
Коракалпоғистон Республикаси
прокуратураси бўлим бошлиғи

Қарши шаҳар ҳокимлиги мажлислар залида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарларининг шаҳар фаоллари ва тадбиркорлар билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда вилоят прокурори К.Исмоиловнинг Вазирилар Маҳкамасининг «2008 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган вазифалар ҳақидаги маърузаси тинланди.

Тадбиркорлар билан учрашув

Маълумки, қарорда мамлакатимизда 2009-2012 йилларда ярадан иқтисодий инқирозни оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича ишлаб чиқилган дастурни амалга ошириш ва бошқа устувор йўналишлар билан бирга аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг турмуш даражасини оширишнинг энг муҳим омилли сифатида хизмат кўрсатиш соҳаси ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш 2009 йилда мамлакатни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим вазифаларидан бири қилиб белгиланди.

Қарши шаҳрида 2008 йилда кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш ҳисобига мингдан ошқан янги иш ўринлари яратилди. Шаҳар прокуратураси ташаббуси билан 3 мартаба меҳнат ярамаска ташкил этилди. 2782 нафар ёшлар иш қидирувчи сифатида рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 2317 нафари, яъни 83 фоизи иш билан таъминланди. Корхона ва ташкилотларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ёшлар аниқ касбларни ўргатиш бўйича ўқув курсларига юборилмоқда. Кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш, қасаначиликни ривожлантириш, корхоналарни реконструкция қилиш, молиявий соғломлаштириш, янги объектларни қуриш

йўллари билан ҳам янги иш жойлари ташкил этилди.

Айни пайтда Қарши шаҳрида 68 мингдан ошқан аҳоли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиб келмоқда. Банклар томонидан кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида 40.078 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредитлар берилган, назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юртувчи субъектларда текширишлар ўтказилиши қисман бўлса-да қамайди.

Лекин, айрим ҳолатларда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонун талабларига риоя қилинмаган. Ижтимоий ҳимояга

муҳтож, иш топишда қийналадиган ва меҳнат бозорига тенг шартларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш бўйича 22 та корхонада 508 та квоталанган иш жойларини барпо этиш белгиланган бўлса-да, айрим корхона ва ташкилотлар томонидан бу вазифа бажарилмаган.

Қонуннинг бу талабини бузган мансабдор шахсларга маъмурий чоралар қўрилган. 54 та корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан меҳнат органларига бўш иш ўринларининг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар ва бўшатилиши мўлжалланаётган ходимлар ҳақидаги ахборот тақдим этилмаган бўлса-да, бандликка кўмаклашувчи марказ томонидан тегишли чоралар қўрилмаган. Шу сабабли бандликка кўмаклашувчи марказ мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, жинсий жавобгарлик масаласи ҳал қилинди.

Йиғилишда шаҳар ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан йўл қўйилган қамчиликларни бартараф қилиш чора-тадбирлари белгилал олинди.

Ш.КУШОҚОВ,
Қарши шаҳар прокурори катта
ёрдамчиси



Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодини ривожлантиришда муҳим ўрин тутаяди. Фориш туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан доимий назорат тадбирлари амалга ошириб келинмоқда.

лари қўзғатилиб, суднинг ҳукми қабул қилинди.

Қишлоқ хўжалик техникалари ва эҳтиёт қисмларининг сақланиши, улардан фойдаланишда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ўтказилган текширишда аниқланган қонунбузилишлар, уларни келтириб чиқарган сабабларни бартараф этиш тўғрисида 4 та тақдимнома киритилди.

Маълумки, қишлоқ хўжалигидаги фаолият асосан ер билан боғлиқ. Бунинг устига ер чекланган ресурс. Уни асраб-авайлаш, ундан одилона фойдаланиш лозим. Туманимиздаги бўз ва яйлов майдонларнинг аҳоли, уни айрим шахслар томонидан ноқонуний бузиб, бел-

ТАЪМАГИРЛИК ОҚИБАТИ

Мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган ислохотлар бугунги кунда муҳим босқичга кўтарилди. Айниқса, қишлоқ хўжалигига бўлган эътибор тобора кучайтирилмоқда. Бу эса тармоқнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этапти. Лекин ана шудай масъулиятли жараёнда ҳам ўз касбини ва лавозимини суниётсизмол қилаётган шахслар, афсууси учраб турибди.

Халқимиз орасида, бировни синамоқчи бўлсанг, амал бериб кўр деган гап бор. Қ.Қамбаров (исм-шарифлар ўзгартирилган) кўп йиллардан буюн фермерлик қилади. Нима бўлди-ю, ўтган йили у давлатга пилла топшириш режасини бажара олмади. Фарғона шаҳар ҳокимлигининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича бош мутахассиси лавозимда ишловчи Ш.Исроилжонов Қ.Қамбаровдан режани бажаргани талаб қила бошлади. «Йўқни йўндириб бўлмайди» деганларидай, Қ.Қамбаров ҳам ноилоҳ қолди. Ш.Исроилжонов эса уни сиқувга олаверди. Одатий сўзларининг бирида Ш.Исроилжонов мақсадга ўтди: у Қ.Қамбаровдан 200 минг сўм пул беришгини талаб қила бошлади. Албатта, бунинг эвазига Ш.Исроилжонов фермерни режани бажармаганлар рўйхатидан чиқариб ташлашни ваъда қилди. Унга бу йўл орқали тегишли жавобгарликдан сақланиб қолишини ҳам бот-бот таъкидлади.

Бу ишда Ш.Исроилжонов таниши, шаҳар ҳокимлиги қошидаги фермер хўжаликларига хўжалик ҳисобидagi хизмат кўрсатиш маркази директор ўринбосари вазифасида ишловчи М.Атабаевни ўзига шерик қилиб олди.

Қ.Қамбаров ўзида бунча пул йўқлигини тушунтиришга ҳар қанча ҳаракат қилмасан, улар бунинг оқибати ёмон бўлишини ўқтира-верди. Ноилоҳ қолган фермер вилоят ИИБга ариза билан мурожаат қилади. Аризага биноан вилоят ИИБ, МХХ бошқармаси ва шаҳар прокуратураси ходимларидан иборат теҳкор гуруҳ томонидан иккала мансабдор шахс жиноят устида қўлга олинди.

Суд таъмагир мансабдорларга нисбатан ўзининг одилона ҳукмини ўқиди.

Дилшодбек АҲМЕДОВ,
Фарғона шаҳар прокурори ёрдамчиси

НАЗОРАТ ВА САМАРАДОРЛИК

Туманимиз асосан чорвачилик ва галлалчиликка ихтисослашган бўлиб, чорвачилик асосий соҳа ҳисобланади. Тумандаги ширкат хўжаликларидан чорва молларининг сақланишидаги суниётсизмолчиликлар, ёнилги-мойлаш маҳсулотларини талон-тороҳ қилиш ҳолатларининг олдини олиш, галла экиш ва уни йиғиштириб олиш, фермер хўжалиklarининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари доимий эътиборимизда турибди.

Ўтган йил давомида қишлоқ хўжалик соҳасида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини назорат қилиш юзасидан текширишлар сони 2 тага камайган бўлса-да, киритилган прокурор назорати ҳужжатлари сони 126 тага кўпайди. Самарадорлик кўрсаткичи эса 28 фоизга ошди.

Ўтказилган 5 млн. 267 минг сўмлик зарар ихтиёрий ундирилиб, қарздорликни ундириш

ҳақида фуқаролик ва хўжалик судларига 5 млн. 112 минг сўмлик даъво аризалари киритилди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 12 та жиноят иши кўзгатиildi.

Ширкат хўжаликларидан чорва молларининг сақланиши юзасидан ўтказилган текширишларда мансабдор ва моддий жавобгар шахсларнинг ўз хизмат вазифаларига совуққонлик билан қараганликлари, соҳада назорат ва ҳисобот ишларининг яхши йўлга қўйилмаганлиги ва натижасида чорва молларини ўзлаштириш ва талон-тороҳ қилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Жумладан, 2008 йилнинг октябр ойида чорвачиликка ихтисослаштирилган хўжаликларда ўтказилган мониторинг натижасига кўра, аниқланган қонунбузилишлар, уларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш тўғрисида туман ҳокими, қишлоқ ва сув хўжалиги

бўлими бошлиғи, «Фориш» ширкат хўжалиғи раиси номига тақдимнома киритилиб, масъулиятсизликка йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан интизомий жавобгарликка доир иш қўзғатилди.

Прокуратура томонидан «Богдон» ширкат хўжалиғида чорвачиликка доир қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган мониторинг натижасига кўра, ширкат хўжалиғидаги «Қорақўлчи Мамат» шўба корхонаси раҳбари М.Эргашев 534 бош, баланс баҳоси 11 млн. 234648 сўмлик, «М.Оролов» ширкат хўжалиғи бош чўпони Б.Тўраев эса моддий жавобгарлиғидаги 39 бош, баҳоси 9016.0 минг сўмлик майда шохли моллар камомадига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Қайд этилган ҳолатлар бўйича туман прокуратураси томонидан М.Эргашев ва Б.Тўраевларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иш-

гиланмаган экинлар экиш ҳолатларига барҳам бериш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Шу боис яйловга ажратилган майдонлардаги ўтуқларни ўриб олиниши, исроф бўлишининг олдини олиш, чорва молларига етарли озуқа базаси тайёрлаш ишлари прокуратуранинг назоратидан четда қолмапти.

Туманимиз ҳудудидаги фермер хўжалиklarини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш ҳам доимий эътиборимизда.

Туман прокуратураси бундан буюн ҳам ҳудудда фуқароларнинг, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунийликни таъминлашдек масъулиятли ва шарафли вазифани бажаришда давом этади.

Рашид АБДУҒАНИЕВ,
Фориш туман прокурори

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги концепцияси жорий этилди. Мазкур ислохотларнинг муҳим таркибий қисми бўлган адвокатура институтини янада ислох қилиш борасида ҳам талайгина ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасига асосан тергов ва суд ишини юриштининг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатуранинг ташкил этиши ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади.

Адвокатуранинг ривожлантириш,

тиш қатнашчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаши» деб номланган 240-моддаси гувоҳ ўзига қарши кўрсатув беришни рад этган тақдирда уни жинойий жавобгарликдан озод қиладиган норма билан тўлдирилди. Айни бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг «Гувоҳнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари» деб номланган 66-моддаси гувоҳларга адвокатнинг юридик ёрдами билан фойдаланиши, шунингдек тергов ҳаракатларида адвокат билан бирга ҳозир бўлиш, ўзига қарши кўрсатув бермаслик ҳуқуқини берадиган норма билан тўлдирилди. Бундан ташқари, мазкур кодексга жиноят процесси янги иштирокчиларининг ҳуқуқий мақомини белгилайдиган «Гувоҳнинг адвокати» деб номланган 66¹-модда киритилганлиги муҳим аҳамият касб этди.

Ушбу моддага мувофиқ гувоҳнинг адвокати ишда иштирок этишга адвокатлик гувоҳномасини кўрсатиб, ордер тақдим этганидан сўнг гувоҳ чақирилган пайтдан эътиборан қўйилади. Шу билан бирга жиноят ишида тарафлар манфаатини ҳимоя қилаётган шахс гувоҳнинг адвокати бўлиши мумкин эмас. Ушбу моддада гувоҳ адвокатининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам белгилаб қўйилди.

Мазкур Кодекснинг «Ҳимоячининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари» деб номланган 53-моддасига киритилган ўзгартишлар ҳимоячининг ҳуқуқларини кенгайтирди. Хусусан, ҳимоячи адвокатлик гувоҳномасини кўрсатган ва муайян ишнинг олиб бориш учун ордер тақдим этгач, ишда иштирок этиш ҳуқуқига, далиллар сифатида фойдаланиши мумкин бўлган маълумотларни тўплаш ва тақдим этиш, мутахассисни тушунтириш бериш учун жалб қилиш, гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида ўтказилган процессуал ҳаракатларга оид ҳужжатлар билан, да-


чига эга бўлиш, кўрсатувлар беришни рад этишга бўлган процессуал ҳуқуқларини тушунтириши, шунингдек у берган кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини белгилаш шартлиги ҳақидаги норма билан тўлдирилди.

Ушлаб турилган шахснинг ҳимоячи билан биринчи холи учрашувида, Кодекснинг 230-моддасига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, сўроққа қадар руҳсат берилди.

Бундан ташқари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни ад-

катликка талабгор лицензия олганидан кейин уч ой ичида адвокатлик қасамдини қабул қилиши ва адвокатлик тузилмасини тузиши ёхуд фаолият кўрсатаётган адвокатлик тузилмаларидан бирига аъзо бўлиб кириши шарт. Адвокатлик тузилмаси рўйхатдан ўтказилган ёки талабгор фаолият кўрсатаётган адвокатлик тузилмасига кирганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар аслида органлари томонидан қабул қилиб олинган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида талабгорга адвокатлик мақоми олганлигини ҳам тасдиқлайдиган гувоҳнома берилади. Адвокатлар палатасининг худудий бошқармаси гувоҳнома берилганлиги ҳақидаги хабарномани олган пайтдан эътиборан адвокат Ўзбекистон Адвокатлар палатасининг аъзоси бўлади.

Қонуннинг 4-моддасига киритилган ўзгартишлар билан адвокатура фаолиятининг янги ташкилий шакли — юридик маслаҳатхоналар жорий этилди. Юридик маслаҳатхоналар бошқа адвокатлик тузилмалардан (адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси, адвокатлар ҳайъати) фарқи равишда рўйхатдан ўтказилмайди, балки аслида органлари томонидан ҳисобга олинади. Шу билан бирга адвокат ўз фаолиятини фақат битта адвокатлик тузилмасида амалга ошириш-



МАЛАКАЛИ ЮРИДИК ЁРДАМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ

унинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини ошириш, айблов ва ҳимоянинг тенглигини таъминлаш мамлакатимизда амалга ошириладиган суд-ҳуқуқ ислохотларининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилиб, бунинг учун зарур бўлган ҳуқуқий асослар яратилди.

2008 йилнинг 31 декабрида қабул қилинган ва 2009 йил 1 январдан кучга кирган «Адвокатлар институтини такомиллаштиришга муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам бу соҳада амалга ошириладиган ислохотларнинг маънавий давоми бўлиб қизмат қилди.

Мазкур қонуннинг асосий мақсади фуқароларнинг тергов ва суд ишини юриштининг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустақамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатуранинг ташкилий мустақиллиги кафолатларини кучайтириш, адвокатлик касбининг обрўси ва нуфузини ошириш ҳисобланади.

Ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2008 йил 1 майда қабул қилинган 3993-сонли Фармони асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий-ижроия кодексларида, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, «Адвокатура тўғрисида»ги ва «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилди.

Гувоҳнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан қўшимча механизм яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг «Жиноят процессини юри-

Мазкур Кодекснинг 114-моддасига киритилган ўзгартиришларда сўроққа ўз адвокати билан ҳозир бўлган гувоҳни ёки жабранувчинини сўроқ қилиш адвокат иштирокида амалга оширилиши назарда тутилди.

Ҳимоячининг ҳуқуқларига доир, Жиноят-процессуал кодексининг йигирма битта моддасига тааллуқли бўлган ўзгартишлар «Адвокат тўғрисида»ги Қонунда ва Жиноят-ижроия кодексининг янги тахририда берилган, «Юридик ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлаш» деб номланган 10-моддасида ҳам адвокатнинг ҳуқуқлари мустақам ўрин топди.

Шунингдек, ЖПКнинг 46- ва 48-моддаларига киритилган ўзгартиришларда айбланувчининг ва гумон қилинувчининг ҳуқуқларини кенгайтириш назарда тутилди. Хусусан, мазкур шахсларга қамоққа олинганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёки хабар бериш, учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда адвокат билан учрашиш ҳуқуқи, кўрсатувлар беришдан бош тортиш ҳамда берган кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор этилиш ҳуқуқи, шунингдек материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан нусхалар олиш ёки уларда кўрсатилган маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш ҳуқуқини берадиган нормалар билан тўлдирилди.

Шу билан бирга, ЖПКнинг «Мутахассис» деб номланган 69-моддасига киритилган ўзгартишлар ҳимоячининг илтимосига кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан мутахассис тушунтириш бериш учун чақирилиши мумкинлиги аниқлаштирилди.

Мазкур Кодекснинг «Далиллар тўплаш» деб номланган 87-моддасида эса ҳимоячи далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни тўплаш тартиби аниқлаштирилди. Ҳимоячининг ўзи тўплаган материалларни ишга қўшиб қўйиш тўғрисидаги илтимосига суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан қаноатлантирилиши кераклиги ҳам белгилаб қўйилди. Шунингдек, 224-моддада ички ишлар органи ходими ёки бошқа ваколатли шахс ушлаб турилган шахста адвокатга ёки яқин қариндошига қўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериш, ҳимоя-

слабки тергов тамом бўлганидан кейин эса жиноят ишининг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан нусхалар олиш ёки уларда кўрсатилган маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш ҳуқуқига эга.

Бундан ташқари ҳимоячи, агар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи қамоққа бўлса, у билан жиноят ишини юриштишга маъсул давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг руҳсатсиз, ўзгаришларининг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда холи учрашишга ҳақли.

Айни вақтда Жиноят-процессуал кодексининг 55, 57, 59-моддалари жабранувчига, фуқаровий даъвогарга ва фуқаровий жавобгарга материаллари ҳамда ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан нусхалар олиш ёхуд уларда кўрсатилган маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш ҳуқуқини берадиган нормалар билан тўлдирилди.

Шу билан бирга, ЖПКнинг «Мутахассис» деб номланган 69-моддасига киритилган ўзгартишлар ҳимоячининг илтимосига кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан мутахассис тушунтириш бериш учун чақирилиши мумкинлиги аниқлаштирилди.

Мазкур Кодекснинг «Далиллар тўплаш» деб номланган 87-моддасида эса ҳимоячи далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни тўплаш тартиби аниқлаштирилди. Ҳимоячининг ўзи тўплаган материалларни ишга қўшиб қўйиш тўғрисидаги илтимосига суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан қаноатлантирилиши кераклиги ҳам белгилаб қўйилди. Шунингдек, 224-моддада ички ишлар органи ходими ёки бошқа ваколатли шахс ушлаб турилган шахста адвокатга ёки яқин қариндошига қўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериш, ҳимоя-

ватнинг профессионал фаолиятига унинг сўровига жавоб тақдим этмаслик, шунингдек адвокатнинг ишда иштирок этишига тўсқинлик қилиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин, таъсир ўтказиш ёки унинг топшириқ берувчи, шикоятчи ишонч билдирувчи шахс (ҳимояси остидаги шахс) манфаатларига зид бўлган вазиятни мажбуран эгаллашига эришиш тарзида тўсқинлик қилганлик учун маъмурий жавобгарлик жорий этилди. 197¹-модда билан тўлдирилди.

«Адвокат тўғрисида»ги Қонун ўн битта янги модда билан тўлдирилди.

«Адвокат» тушунчаси таърифида бағишланган 3-модда адвокатнинг асосий адвокатлик фаолиятидан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишни таъқиқловчи норма билан тўлдирилди (илмий ва педагогик фаолият, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасидаги ва унинг худудий бошқармаларидаги фаолият бундан мустасно). Ушбу Қонунга киритилган, адвокат мақомига эга бўлиш тартибин белгилайдиган 3¹-моддага кўра, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия аслида органлари томонидан Республика Адвокатлар палатасининг худудий бошқармалари ҳузурида тузиладиган малака комиссияларининг (13-модда) қарорлари асосида берилади. Айни вақтда лицензия олиш учун ривоя этилиши шарт бўлган янги талаб ҳам киритилди. Бу юридик мутахассислик бўйича камда икки йиллик иш стажига эга бўлиш, шу жумладан адвокатлик тузилмасида камда олти ой тажировка ўтаган бўлиш талабидир.

Шунингдек, малака имтиҳонини топширган шахс уч ой ичида лицензия олиш учун аслида органларига мурожаат қилиши кераклиги, бу муддат ўтказиб юборилган тақдирда мазкур шахс малака имтиҳонини такроран топшириши шартлиги назарда тутилди. Адво-


га ҳақи эканлиги белгилаб қўйилди. Қонунга киритилган 4¹-4⁴-моддаларда адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси, адвокатлар ҳайъати ва юридик маслаҳатхоналарнинг ҳуқуқий мақоми, шунингдек, уларни ташкил этиш тартиби ўз аксини топди.

Қонуннинг 14-моддасида адвокатнинг интизомий жавобгарликка тортиш чоралари аниқлаштирилиб, аслида органи ёки Ўзбекистон Адвокатлар палатасининг худудий бошқармаси томонидан иш қўзғатиш учун адвокатнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, суднинг адвокатка нисбатан чиқарган хусусий ахримий ҳам асос бўлиши белгилаб қўйилди.

Бунда интизомий жазо чоралари оғохлантириш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатишдан иборат бўлади. 15-моддага мувофиқ лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга адвокатнинг жиноий жавобгарликка тортилиши, адвокат томонидан адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари, адвокатнинг касб этикаси қондалари ва адвокат қасамди бузилганлиги аниқланиши, Ўзбекистон Адвокатлар палатаси худудий бошқармаси ёки аслида органи қарорлари адвокат томонидан бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги асос бўлади. Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонун жамиятда адвокатура институтининг маъқеини кўтариш, унинг жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатишдаги аҳамиятини кучайтириш, уларнинг чинаяк мустақиллигини таъминлаш, ўз набатиди, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги адвокатура институтининг ролини оширишга замин яратди.

Самира САИД-ҒАЗИЕВА,
Адлия вазирлиги
масъул ходими

Савоб ишни ҳар ким,



Хусусан, Самарқанд, Шаҳрисабз, Қарши, Термиз, Марғилон ва Хива каби қатор шаҳарларимизнинг сана тўйлари муносабати билан юзлаб тарихий обидалар таъмирланиб, гузал бир қиёфага келтирилганлигини мамнуният билан айтиш лозим. Рақамлар тили билан гапирсак, юртимиздаги мавзуд 2350 дан зиёд тарихий архитектура, 4000 га яқин тарихий археологик обиданинг 850 дан кўпроғида таъмирлана ва

этишдан иборатлиги таҳсинга сазовор ишлардандир.

Тан олиш керак, дунё ўткинчи! Кечагина ёнимизда юрган яқинимиз, қадрдонимиз бутун орамизда йўқ. Шу кунгача ўша яқинимизни соғинсак, уни йўқлар эдик. Бутун бўлса «ишимизнинг кўлиги»ни баҳона қилиб, фақат қабрни зиёрат қилиш билангина чекланамиз. Қабрининг ён-атрофини тозалаш, суваш каби савобли ишларни бажаришга эса гўёки вақтимиз камлик қилади.

Ҳа, афсуски, кўпинча ана шу оддий, ўзига хос инсонийлик бурчимизни ҳам қойиллатиб бажара олмаймиз. Албатта, булар ҳар кимнинг кўнгли иши. Қолаверса, ҳеч кимни мажбурлаб ҳам бўлмайди. Шу билан бирга яна бир нарсани ҳам айтиш ўринида бўлса керак. Кўпчилик қабристон ҳақида гап кетганда у ер фақат гўрковлар ёки мачитга те-

нинг давлат экологик экспертизасидан ўтмагани ҳолда, 467 тасининг санитария муҳофазаси зоналарида уй-жой ва бошқа иншоотлар жойлашганини қандай изоҳлаш мумкин? Аксарият вилоятларда эса Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачси томонидан 1999 йилда тасдиқланган «Қабристонларнинг жойлаштирилиши ва тузилиши бўйича санитария қоидалари» талабларига зид равишда, 200 метрлик санитария муҳофазат зоналарида яъни, қабристонларга яқин жойларда аҳоли уй-жойлари, қорхона ва ташкилотлар, шу жумладан, болалар божчаси, мактаб, болалар майдончаси ва ҳатто болалар шифохонаси жойлашганига йўл қўйилгани ўта ачинарли ҳолдир.

Масалан, пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Камолон» қабристони ҳудуди ўртасидан кўча ўтган бўлиб, «Янгибод»

Тошкент вилоятининг Зангиота, Чиноз, Паркент, Бўстонлик, Қибрай ва бошқа туманларида ҳам кузатиш мумкин. Кўпчилик вилоятлардаги қабристонларнинг худудлари эса девор билан ўралмаган.

Жойлардаги аксарият қабристонларда электр энергияси ва ичимлик суви билан таъминлаш ишларининг ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, боз устига қабристон жиҳозлари турадиган жойларни қуриш, йўлчаларни асфальтлаш, манзарали дароҳт ва гуллар экиш ва энг асосийси эса турли чикиндилардан тозалаш ишларининг бажарилмаганини қандай тушуниш мумкин?

Тегишли қарорсиз қабристон ташкил этилиши етмаганидек, қабристонларда қабр учун ер ажратиш борасида ҳам етарли назорат ўрнатилмаган. Натيجада эса, айрим фуқаролар оилавий қабрлар учун олдиндан ўзбо-

Одамийликни

Агар ўқиган бўлсангиз, «Халқ сўзи» газетасининг жорий йил 21 февраль, 39-сонда «Мозий билан сирлашаётган обидалар» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. У қуйидаги жумлалар билан бошланади:

«Мамлакатимиз раҳбарининг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деган ҳикматли гапи бор. Дарҳақиқат, ҳар бир миллат ўз ўғлишидан куч олади ва шу куч ёрдами юксак чўққиларни забт этади. Шу сабаб истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб Президентимизнинг бевосита раҳнамолигида юртимизнинг янги тарихини яратиш, халқимизнинг бой меросини ўрганиш, мозий билан сирлашаётган тарихий обидаларимизни асраб-авайлаш ҳамда буюк аждодларимизнинг табарруқ номларини қайта тиклаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

тиклаш ишлари муваффақиятли тарзда амалга оширилди. Айни вақтда маданий мерос объектларини асраб-авайлашнинг ҳуқуқий базаси яратилган. Шунингдек, соҳанинг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилиб боришмоқда».

Дарҳақиқат, юқоридаги мақолада айтилганидек, бу борада эътиборга молик ишлар қилинди ва қилинмоқда. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, шу ҳолатнинг ўзи ҳам буюк аждодларимизга бўлган ҳурматнинг ёрқин ифодаси бўлди десак, муболаға бўлмайди. Айниқса, юртбошимиз томонидан 9 майнинг «Хотира ва қадрлаш куни» деб эълон қилиниши-ю, ундан кўзланган асосий мақсад нафақат, бугун ҳаёт бўлиб, ёнимизда юрган яқинларимизни қадрлаш, балки мангуликка юз тутган аждодларимизни хотирлаб, уларнинг рўҳларини маълум даражада шод

гишти, деб билади. Ҳолбуки, бу ишга масъул бўлган айрим ташкилотлар ҳам борлиги ва уларнинг амалга ошираётган ишларини қай даражада уддаланаётганига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлса керак.

Яқинда Республика Бош прокуратураси органлари томонидан ободонлаштириш, хусусан, қабристонларда ободонлаштириш ишларининг ўтказилиши ҳамда уларга ажратилган бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишига оид қонун ҳужжатлари ижроси текширилди.

Текширишлардан маълум бўлишича, Республика бўйича 7904 та қабристоннинг 1883 таси бирон-бир идорага бириктирилмаган экан. Шундан, 4613 таси эса «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги Қонуinning 13-моддаси талабига зид равишда давлат ер кадастри рўйхатидан ўтмагани аниқланди. 4029 та қабристон-

маҳалласидаги 120 та хонадон аҳли бошқа йўл бўлмаганига ҳамда қабристон ҳудуди девор билан ўралмаганига сабабли, шу йўлдан, яъни, қабристон орқали юришга мажбур бўлмоқда. «Оқил ота», «Саид ота», «Чўпон ота», «Чилон ота», «Митон ота», «Маъруф ота», «Авайхон» ва бошқа бир қатор қабристонлар ҳам аҳоли яшаш жойлари билан ёнма-ён жойлашган. Бундай ҳолатларни



Ўтганларни эслаш ва ҳақиқа дуо қилиш билан бирга тез-тез қабрларини зиёрат қилиб туриш ҳар биримизнинг вазифамиздир. Бу ҳақда шундай ҳадис ривоят қилинган:

Абу Хурайра (р.а.) ривоят қилади: Расулulloҳ (с.а.в.) айтди: «Қабрларни зиёрат қилиб туриш, чунки у сизларга ўлимни (охиратни) эслатади».

Шу ўринда қабристонга тегишли баъзи ҳукмларни эслашиб ўтишимиз жоиздир.

Авалло, қабристонларни тоза тутиш



Демак, қабристонга борганда у ерда ётган марҳумларнинг аҳволини ўйлаб, ундан ҳар ким ўзига ўғит ва ибрат олиши лозим. Зеро, улар ҳам бизлардек бу

қўйилгач, устига гупроқ тортилгандан кейин қабрни қайта очиб жоиз эмас. Чунки у энди Аллоҳ таолога топширилди ва инсонларнинг қўлларидан чиққан ҳисобланади. Аммо қабрни бирон зарурат бўлгандагина очиб жоизлиги фикрий китобларимизда баён қилиб берилган.

Бурҳониддин Марғиноний (р.х.) ўзларининг «Хидоя» китобларида: «Қабрга нишган гишт ва тахталарни ишлаш макруҳдир. Чунки бу нарсалар узоқ умрли бинолар

ҚАБРИСТОН ЗИЁРАТИ

ҳамда манзаралар дароҳтлар ва гуллар экиб обод қилиш хайрли ишлардан саналади. Қабрларни босиб, устидан ўтиш эса макруҳ ҳисобланади. Чунки, бу каби ҳаракатлар марҳумларга нисбатан ҳурматсизлик бўлиб, фақат юриш учун йўл топилмаган ҳолда — Куръон ўқиш, тасбеҳ айтиш ва дуо қилиш шари билан қабрлар орасидан юриш жоиз.

Қабристонда Куръон тиловат қилмоқчи бўлган киши, унинг савобини марҳумларнинг барчасига бағишлаши яхшироқдир. Зеро, уларнинг ҳаммасига ўша савоб тўлалигича, қамаймаган ҳолда етиб боради.

Қабристонни зиёрат қилиш чоғида яна қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш лозим. Аввало, қабристонга кирилганда «Аллайхумус салом ё аҳлал қубур», яъни: «Сизга салом, эй, қабристон аҳллари», деб салом бериб қирилади.

Қабрларни зиёрат қилиш суннат амаллардандир. Чунки Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат қилганлар-ки: «Сизларга қабрлар зиёратини таққиллаган эдим. Мана энди қабрларни зиёрат этаверингиз, зеро, у сизларга охиратни эслатади». (Имом ат-Термизий ривояти).

дунёда яшаганлар, турли амалларни бажариб ўтганлар. Ҳозирда ўша қилмишларига яраша бир қадар Аллоҳнинг ажри ёки укубатига дохил бўлган ҳолда ётурлар. Бу эса инсонни фикр қилишга ундайди.

Қабристон зиёрат қилинган пайтда марҳумлар рўҳига бағишлаб тиловати Куръон ҳамда дуои хайрлар қилинади.

Марҳумларнинг ҳақлари тирикларнинг ҳақлари кабирдир. Ўтган аждодлари ҳақида рия қилмаган насл, ўз авлодларидан келажакда қандай муомала қилиши мумкин? Жаноза намози ўқилиб, марҳум қабрга

учун мўлжаллангандир» деганлар.

Бунинг ўрнига ўша маблағ хайрли ишларга сарфланса «садақал жория» бўлиб, савоби доимо марҳумга етиб туради.

Бундан ташқари, асосан, аёллар орасида кўп учрайдиган ҳолат — қабристонларда шам ёқиб ёки улуғ кишиларнинг қабрларини зиёрат қилиш вақтида улардан мадад сўраш ҳам ислом асосларига ҳилофдир.

Шариатимизда қабристон атрофини озода сақлаш, яшил дароҳтларни кесиш, кўкариб турган ўтларни юлиш ҳам макруҳ ҳисобланади. Чунки барча ўсимликлар

Хасратлик теледастурлар

Дунёда TV

2009-yil 2-aprel, № 14 (639)

Моҳият

Дунё (юрт) ободлиги тўртта нарса сабабидан: раҳбарлар адолати, олимлар илми, бойлар саховати, муҳтожлар дуоси.
Абу Хомид ал-ФАЗЗОЛИЙ

6-aprel, Dushanba

07.00, 08.30, 10.20 Ўзбек наволари
08.00, 15.00 Т/с «Жассига ўхшаши йўқ»
09.30 Серил «Герои»
11.30 Х/ф «Враг государства. Легенда»
13.40 Ўзбек наволари
14.30 Премьера (рус)
15.30 Мультфильм
17.00 Ўзбек наволари
17.30 «Кинокурьер»
18.00 Ўзбек наволари
18.30 Т/с «Жассига ўхшаши йўқ»
19.00 Ўзбек наволари
21.30 Серил «ГЕРОИ»
22.20 Комедия «Невеста с того света»
00.00 Миксер

лари
08.00, 15.00Т/с «Жассига ўхшаши йўқ»
09.30 Серил «Герои»
11.30 Х/ф «Невеста с того света»
13.10 Ўзбек наволари
15.30 Мультфильм
17.00 «Baby Terra Landiya»
17.30 Премьера (узб)
18.00 Ўзбек наволари
18.30 Т/с «Жассига ўхшаши йўқ»
19.00 Ўзбек наволари
21.30 Серил «ГЕРОИ»
22.20 Х/ф «Сладкий ноябрь»
00.20 Миксер

8-aprel, Chorshanba

07.00, 08.30, 10.20 Ўзбек наволари
08.00, 15.00 Т/с «Жассига ўхшаши йўқ»
09.30 Серил «Герои»
11.30 Х/ф «Сладкий ноябрь»

7-aprel, Seshanba

07.00, 08.30, 10.20 Ўзбек наво-

TV МАРКАЗ канали ҳафталик дастури

13.30 Ўзбек наволари
14.30 «Кинокурьер»
15.30 Мультфильм
17.00 Ўзбек наволари
18.30 Т/с «Жассига ўхшаши йўқ»
19.00 Ўзбек наволари
20.30 «M-Files»
21.00 Ўзбек наволари
21.30 Серил «ГЕРОИ»
22.20 Х/ф «ВЗВОД»
00.25 Миксер

14.30 Премьера (узб)
15.30 Мультфильм
17.00 «Baby Terra Landiya»
17.30 Ўзбек наволари
18.30 Т/с «Жассига ўхшаши йўқ»
19.00 Ўзбек наволари
21.30 Серил «ГЕРОИ»
22.20 Б/ф «ФЕРИД»
00.00 Миксер

10-aprel, Juma

07.00, 08.30, 10.20 Ўзбек наволари
08.00, 15.00 Т/с «Жассига ўхшаши йўқ»
09.30 Серил «Герои»
11.30 Б/ф «Ферида»
13.10 Ўзбек наволари
14.30 «M-Files»
15.30 Мультфильм

17.00 Ўзбек наволари
17.30 Премьера (рус)
18.00 Ўзбек наволари
18.30 Т/с «Жассига ўхшаши йўқ»
19.00 Ўзбек наволари
21.30 Серил «ГЕРОИ»
22.20 Х/ф «P.S Все равно я тебя люблю»
00.30 Миксер

11-aprel, Shanba

07.00 Ўзбек наволари
09.30 Мультфильм
11.30 Х/ф «P.S Все равно я тебя люблю»
13.40 Ўзбек наволари
15.00 Семейное кино: «ЗОЛОТОЙ КОМПАС»
17.00 Х/ф «РОМЕО И ДЖУЛЬЯ»
19.30 Ўзбек наволари

21.30 «Премьера» (узб)
22.00 Х/ф «КВАНТ МИЛОСЕРДИЯ»
23.50 Миксер

12-aprel, Yakshanba

07.00, 11.00 Ўзбек наволари
09.30 Мультфильм
10.30 «Baby Terra Landiya»
Бундан ташқари вафот этган ақилларининг ҳам доимо яхши сифатлар билан эслаш бизнинг бурчимиздир. Бу ҳақда жуда кўп оят ва ҳадислар вожиб бўлган. Жумладан:

Расулulloҳ (с.а.в) айтди: «**Вафот этган кишиларнингизни фақат яхши сифатларини эславлар, уларнинг бошқа сифатларини таъриридан сақланганлар.**

Демак, инсоннинг қадри шунчалик юксакки, у тириклик даврида ҳам, вафот этгандан кейин ҳам бирдек ҳурматга лойиқдир. Шундай экан, уларнинг яхши сифатларини эслаб, бошқа сифатларини айтишдан сақланишимиз лозим.

Яна шу нарсани таъкидлаш керакки, бизнинг халқимиз вафот этган марҳум ва марҳумалари қабрларини мунтазам зиёрат қилиб туриш билан бирга, уларнинг қабр ва мазорларини кўркам ҳолатга келтириб қўйиш ҳам одат тусига айлантирилган. Лекин бир камчилогимиз шуки, ҳар биримиз ўзимизга тегишли хилхона ёки қабрларни яхшилаб кўямиз-у, умумий қабристон ташқаридан қараганда қандай ҳолатда намоён бўлиши билан қизиқмаймиз. Зеро, айрим мусулмонлар қабристонларини бош-

қа гайридинларнинг қабристонларига таққослаганда анча аянчли аҳволда экани маълум бўлади. Бинобарин, ўзимиз ҳам бир куни келагини жойимиз саналмиш қабристонларни озода, кўркам, манзарали маскан ҳолатига келтиришга ҳаракат қилишимиз керак. Қабристон атрофи мустаҳкам деворлар билан ўралган бўлиб, дарвозалари ҳам ўзига мўносиб тарзда бўлиши лозим. Қабрлар устини босиб юрмаслик учун ораликларда йўлаклар қўйиб, қабр қовлашнинг одат тусига айлантириш керак. Қабристонга мевали дарактлар эмас, соя берувчи мевасиз дарактлар экишни йўлга қўйиш лозим. Қабрда ётган марҳум ёки марҳумалар суратини қабр тошига ишлаш ўрнига, ҳар бир қабристон ҳудудида марҳумларнинг фотомузеейи ташкил этилса, шариатга ҳам маданиятимизга ҳам мўносиб иш қилинган бўлур эди.

Хулоса, Ўзбекистон диёрида ўтган буюк аждодларимиз мақбараларини қандай эъзозлаб, таъмирлаб намунали ҳолатга келтираётган бўлса, олий қабристонларимиз ҳаётини ҳам шундай қилиб кундан-кунга яхшилаб борсак, руҳлар ҳам, Аллоҳ ҳам рози бўлажак, иншооллоху таоло.

Шайх Абдулазиз МАНСУР,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари

Барча иллатлар «доя»си

Ичкиликка ҳеч иккиланмай юқоридаги таърифни бериш мумкин. Чунки аксарият жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ўрғанилганда, улар айнан ичкилик таъсирида содир этилганга амин бўламан. Ичкилик инсонлар бошига не-не кулфатларни содир этадигани амин негацири айримлар бунни тушунишни истамайди, оқибатда унинг касри билан содир бўлаётган фожиалар тутамайди. Мастликда қилиб қўйган ишдан сўнг шайтон йўлдан урди, дея ўзини оқламоқчи бўладилар.



Абдулла (исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) бир бой фермерга чўпон бўлиб ёлланган. Фермер уни хотини Бибикиз билан қорваси боқиладиган далада жойлашган қорувлохонага кўчириб келди. Эр-хотин фермернинг қорвасига қараб тирикчилгини ўткази бошладилар.

Қиш қаттиқ келганлиги учун мол-ҳолга қараш ишлари анча қийинлашди. Абдулла жияни Қудратни ёнига олди. Энди ёрдамчиси бор, унинг қўлида ишлари бир мунча осонлашди. Фермер ҳар доим

ўғли бир қариндоши билан қўтонга ташриф буюришди. Улар, албатта, ўз юқини ўзлари кўтариб келишганди: икки кило гўшт, иккита арок ва иккита елим шисадаги пивони мезбонларга беришди. Абдулла меҳмонларни «қулба ва айроғи»нинг турига ўтказди. Дастурхонга борини тўқди. Меҳмонлар олиб келган шисанинг оғзи очилиб, пиволар давра айланган. Ҳўжайиннинг ўғилларига атаб Абдулланинг ўзи қозонкабоб пиширди. Ана-мана дегунча, меҳмонлар олиб келган ичимликлар тугади. Абдулла қарз

— Менга кўнунг етмайди! Эзиб ташлайман! — жуссаси анча катта Нурсултон Абдулланинг қўлини ушлаб қайира бошлади.

Абдулла жонҳолатда жияни Қудратни ёрдамга чакирди. Қудрат ичкаридан югуриб чиқди. Аҳволни кўриб, ҳовли бурчидаги таёқ билан тоғасини қийнаётган Нурсултоннинг калласига туширди. Нурсултон бошини ушлаб қолди. Абдулла унинг чангалидан қутулиб, қўлига илинган нараса билан Нурсултонни ура бошлади.

— Сенми ҳали бировнинг хотинига келадиган?! — жазавага тушган Абдулла ҳар сафар уни калтаклаётганида шу сўзларни айтарди.

Нурсултон йўқилиб қолди. Абдулла унга кириб арқон олиб чиқди. Жияни ёрдамда Нурсултонни арқон билан боғлаб ташлади. Сўнг уни судраб ичкарига олиб кирди. Ичкарида ҳам калтаклаш давом этди. Уриб ҳумордан чиққанидан сўнг арқонни очиб, Нурсултонни қўйиб юборишди. Калтаклини дабдаласи чиққан «қутилмаган» меҳмон қайта-қайта кеҳирим сўраб, эмаклар чиқиб кетди.

Мезбонлар «жанг»да голиб бўлишганини нишонлаш учун қайтадан «байрам» қилишди: қолган овқатни «яримта» билан паққос туширишди.

Бибикиз эридан Нурсултондан бир хабар олишни сўради. Абдулла «Ўзи қандай келган бўлса, шундай кетади», деб рад қилди.

Сўнг ухлагани ўрнига кириб кетди. Қолганлар ҳам ухлагани ётишди. Эртаси кунни Абдулла Бибикизнинг ташвишли овоз билан чинқирганидан уйғонди. Абдулла ташқарига чиқиб қараса, Нурсултон тандир орқасидаги чуқурликда бир аҳволда ётган экан. У ҳўжайинига телефон қилиб воқеани тушутирди.

Бироздан сўнг ҳўжайин машинаси билан етиб келди. У ўзи билан бирга дўхтирни ҳам олиб келган эди. Дўхтир Нурсултонни текшириб кўриб, аллақачон ўлганлигини айтиди.

Бу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилди. Суриштирув-тергов ишлари жараванида воқеага оидлик киритилди. Ичкилик ва жазл қўлига айланган Абдулла билан Қудрат арқоннинг учинчи бир қурбони Нурсултоннинг қотили бўлиб қолишган. Суд бу жиноят учун уларга тегишли жаза тайинлади. Энди улар мастлик оқибатида қилган ишларидан пушаймонликни панжара ортида узоқ йиллар тортадиган бўлишди.

Шухрат ТОШТЕМИРОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Бундан ўн тўққиз йил аввал андижонлик Анорбоевлар оиласида ўғил фарзанд дунёга келганида хонадон ахлининг қувончи чексиз бўлгани аниқ. Чақалоққа яхши ниятлар билан Ҳаётжон деб исм қўйишди. Аммо Ҳаётжон ноқобил фарзанд бўлиб чиқди. Вояга етмай туриб икки бор судланиб улгурди, икковидаям ўғирлик жинояти учун. Кейин дарбадар Ҳаёт тарзини ўзига муносиб кўрди: дуч келган ерда яшаб, дуч келган ердан «ризқини териб» юришига ўрганиб қолди. Қайси йил билан бўлса-да пул топиб, машаққат сарфлаш унинг Ҳаёт мазмунига айланди. Бетартиб Ҳаёт тарзи эса муқаррар фожиа демакдир.

ИСМИ ЖИСМИГА НОМУНОСИБ...

Бўкага кўчиб келганидан кейин унинг қадами Тошкентдан узилмай қолди. Бунгача у ҳамқишлоқларини қақшатиб улгурган, у ердан ўтириб келган нарсаларини пойтахтининг «Кўйлик» бозоридаги эски буюмлар сотиладиган жойига келиб пуллашини одат қилган эди.

Ана шундай қўлларнинг бирида «Кўйлик» бозорида мардикорчилик қилиб юрган «дадаш» лақабли Абдуваҳоб Каримов билан танишиб қолди. Ҳали ўн беш ёшга ҳам тўлмаган Абдуваҳоб саёқликда Ҳаётдан умуман қолишмас экан, дарров тил топишди. Ҳаётнинг дуч келган ерда тунаб юрганини билган Абдуваҳоб уни ўз уйига таклиф қилди. Шу тариха Ҳаёт Каримовлар хонадонидаяш бошлади.

Унинг бу хонадон ахлига мисли кўрилмаган кулфатлар олиб келишини ким ўйлабди дейсиз?

Абдуваҳобнинг ғалати одати бор эди: ота-онани озгина танбех берса бас, уйдан кетиб қолар эди. Ана шундай қўлларнинг бирида, аниқроғи Абдуваҳоб арзлаб уйига келмай юрганида унинг отаси Мадали ака (айрим исмлар ўзгартириб берилмоқда) Ҳаётга ҳам қаттиқроқ гапириб қўяди. Шу баҳона билан у ҳам бу уйдан бош олиб кетади. Кета туриб хонадон соҳибидан ўн олишни кўнглига тугиб қўйди.

Одатдагидеки, «Кўйлик»даги мардикор бозоридаярашган икки оғайнингнинг дарди бир: Мадали акадан ўч олиш дардида. Улар кафега кириб арок, камига пиво ичишиб Мадали акани ўлдириш ва хонадондаги пулга чакса бўладиган буюмларни олиб чиқиб кетиш режасини тузиб чиқишади. Ўзларига муқаддам судланган Артур Сизовни ҳам шерик қилиб олишади.

Хуллас, ўчоволон мудҳиш режани амалга ошириш учун Мадали ака хонадонни жойлашган кўп қаватли уй олдига келишганида кеч тушиб қолган эди. Бир муддат пойлаб туришган, Мадали аканинг ташқарига чиқиб кетганини кўрган Абдуваҳоб ўз уйига маст қотилларни эргаштириб кирди.

Манқуртликни кўрингки, у шуҳурат билан алфозда Ҳаётнинг буйруғи билан ўз жигарлари — опаси ва укасини ваҳшийларча қийнаб ўлдирди.

Шундан сўнг улар қўлларига илинган нарсаларни сумкаларга жойлаб, хонадонни тарқ этишди. Аммо узоққа қочишга ултуришмайдди. Қўсқа муддат ичидая жиноят фож этилиб, ҳар учала жиноятчи қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2008 йил 26 майдаги ҳукми билан Ҳаёт Анорбоев ва унинг шериклари узоқ йилларга озодликдан маҳрум этилди.

Ҳеч ким жиноятчи, қотил бўлиб тугилмайдди. Атрофдагиларнинг лоқайдлиги-ю, тарбиядаги нуқсонлар жиноятчи дунёга келтиради. Биз баён қилган мудҳиш жиноят ўзағида ҳам лоқайдликдан бошқа нараса йўқлиги аниқ.

Ҳамидулла АБДУЛЛИЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари

Жаҳолат бандалари

уларнинг ҳолидан хабар олиб турди. Хатто хабарлашми осон бўлиши учун Абдуллага қўл телефонни олиб берди. Меҳнатига яраша ҳақ олаётган Абдулла ҳам, хотини ҳам хурсанд. Насиб бўлса, дилидаги орузларини амалга ошириш учун етадиган пул тўплай олади. Эр-хотин келгуси ишларини яхши ният билан режалаштирарди. Ҳаммаси жуда яхши кетаётганди. Бироқ...

Бибикиз даладаги қорувлохонада яшай бошлагани учун қишлоқдан, эгачиниларни, дўгоналардан анчагина узлиб қолганди. Бир кун уларниқига Истайто меҳмон бўлиб келди. Қариндошини анчадан бери кўрмаган Бибикиз жуда хурсанд бўлди. Икки дўгона ўтган кетадан, келажакдан гапириб, дилдан ҳасратлашдилар. Истайто кетишга ҳозирланганда, Бибикиз уни қўйиб юбормади. Эртага Наврўз бўлгани учун байрамни шу ерда бирга ўтказишни таклиф қилди. Истайто унинг қўнглига қаради.

Эртаси кун эрта билан Абдулла хотинига пул бериб, байрам дастурхонини учун бозорлик қилиб келишни тайинлади. Хотинини қишлоқдан, одамлардан чекада яшай келётгани учун бу имкониятни унга бериб қўя олди. Ярим кун бўлсаям одамлар орасида бўлади-ку! Бибикиз бозорга Истайто билан бирга кетди. Тушга яқин фермернинг икки

бўлиб қолишни истамай, ўзи ҳам битта «оқи»нинг бошини «очди». Бозордан қайтиб келган Бибикиз ҳам меҳмонларнинг олдига бозордан келтирган ароқни келтириб қўйди. Балиқни қовуриб, дастурхонга тортиди. Меҳмонлар Бибикизини мактаб-мактаб овқатни еб бўлишди. Сўнг ўринларидан туришди.

Меҳмонлар кетишганидан кейин Абдулла байрамни эркинроқ ўтказишни хоҳлаб қолди. Боя ҳўжайиннинг ўғиллари олдига яйраб ўтиролмаган эди. Хотини дарров жиз-биз тайёрлаб келди.

Абдулла, Қудрат, Истайто ва Бибикизлар яна икки шиса ароқни «ағдардилар». Маст бўлиб қолган Қудрат ўтирган жойида пинакка кетди. Абдулла икки аёл билан анча вақт гаплашиб ўтирди.

Ярим тунга яқин ташқарида бировнинг юргани эшитилди. Абдулла ташқарига чиқганида, ҳамқишлоғи Нурсултонга қўзи тушди. — Ие, келинг, келинг. Бемаҳалда нима қилиб юрибсиз? — қутилмаган меҳмонни қарши олди у.

Нурсултоннинг гандирақлаб туришидан мастлиги билиниб турарди. У қўлини ҳафсаласизлик билан силқиди.

— Менга сен эмас, хотининг керак! Мен хотинингга келдим!

Унинг бундай безбеллигидан Абдулланинг қони қайнаб кетди. У жаҳл билан Нурсултонга хезланди.

— Уйингга кириб, дамнингни ол. Кўчада маст ҳолда юрма! — деди у укасини бироз койиғач.

Бундан Комилнинг гаши келиб, гапқайтарди. Улар тортишиб қолишди. Давронжон ўзини босиб, уйига кириб кетди.

Аммо Комил тинчимасди, уйдан ов митлигини кўтариб чиқди.

Бутун маҳалла ўқ овозидан ларзага келди. Хотини Гулжамол ва қизи Мафтуна югуриб чиқганида Давронжон қонга беланган ҳолда қўзилиб ётарди. Она-бола қийчуқ қилиб, уни ердан кўтаришди. Аммо бечора шифохонага етиб бормади туриб жон таслим қилди. Қилган ишидан қўрқиб кетган Комил тўғри ички ишлар бўлимига жўнади.

Шу каби, туманнинг «Кичик Ганжировон» қишлоғида яшовчи Рауфжон Даминов ва Муножат Мадуровлар оиласида содир бўлган

— Бор, холангни чақир, ишонганларинг ўшами?

Муниранинг кўнгиригидан кейин кўп ўтмай, Маҳбуба етиб келди. Рауфжон уни ҳам бўғиб, силтаёт бошлади. Маҳбуба тушундики, кўвбун босиладиган эмас. Шунинг учун унинг қўлидан чиқиб, қишлоқ марказига профилактика инспекторини хонасига югурди. Лекин у инспекторни айтиб келишга улгурмади. Бу машамалар ҳужидлигига келган Муножат жаҳл устида ҳовлида ётган темир бўлага билан икки-уч марта эрининг бошига туширди. Рауфжон қонга беланди. Бундан хабар толган қўни-қўшинлар дарҳол уни туман марказий шифохонасига олиб боришди. Бироқ, шифокорларнинг уринишлари зое кетиб, Рауфжоннинг жони узилди.

Жиноят ишлари бўйича Дангара туман суди К.Шокиров ва М.Мадур

мароваларнинг қилмишларига яраша жаза тайинлади.

Ҳар иккала жиноят ҳам унинг келиб чиқиш омиллари хусусида кишини ўйлашга, фикр-мулоҳаза юритишга ундайди. Кўриниб турибдики, оқордидаги жиноятларнинг бош омилли ичкиликдир. Агар Комил кўп ичмаганда акасининг қотилига айланган, суднинг қора курсисига ўтирмаган ёки Рауфжон ичкиликка муккасидан кетмаганда, Ҳаётдан бевақт қўз юммага бўлар эди. Бу ҳолатлар ичкилик туфайли рўзғори тинчимайётган оилаларга, қолаверса, шундай оилалар истиқомат қилаётган маҳаллалар ахлига сабоқ бўлса ажаб эмас.

Мавжуда РЎЗИЕВА,
Жиноят ишлари бўйича Дангара туман судининг раиси
Хуррид СУЛТОНОВ,
журналист

Мастлик — ихтиёрий телбаликдир

Дангара туманида яшовчи Комил Шокиров (исм-шарифлар ўзгартирилган) тушлик маҳали «иштакча очар»га озгина ароқ ичди. Сўнг укаси Носиржонниқига йўл олди. Албатта, акасининг ташрифидан хурсанд бўлган ука дастурхон ёзиб, ул-бул келтирди.

— Битта очилмагани бор, олиб чиқайми?

Укасининг бу гапи Комилга мойдек ёқиб тушди.

— Э, сўраб бергунча уриб бер, дейишган. Бор бўлса, аввал ўшани келтиримайсанми?

Ака-ука бир шиса ароқни «май-далаб» ўтиришди. Кеч тушганда Комил укасининг «хай-хай»лашига қарамай, ўрнидан қўзғалди. У чайқала-чайқала уйига етиб келганда кўчада акаси Давронжон турган экан. Жигари эмасми, унинг аҳволини кўриб, Давронжоннинг дили ҳуфтон бўлди.

Қарор топган адолат



18 март куни Буюкбритания суди содир этмаган жинояти учун 27 йилдан бери турмада ўтирган Шон Хожсонни озод қилди. ДНК таҳлили унинг айбдор эмаслигини исботлашга ёрдам берди. 27 йил аввал эса ДНК таҳлили тўғрисида ҳеч нарса билмасди.

Шон Хожсонни 22 яшар қизнинг номуслига тегиб, сўнгра ўлдирилганликда айблат суд қилишаватганда терговчилар қўлида қотилнинг қизнинг бадамга иниб қолган қонини Шон Хожсоннинг қон гуруҳи билан солиштириб қўришдан бошқа далил бўлмаган. Тақдирнинг ўйинини қаранг-ки, ҳар иккала қон гуруҳи бир хил чиққан, бу эса ўша пайтда айблов ҳукмини чиқариш учун етарли асос бўлиб хизмат қиларди. Тўғри, Хожсоннинг адвокатлари унинг ўта кетган ёлғончи эканлигини, эс-ҳуши ҳам жойида эмаслигини судга исботлаб беришмоқчи бўлишган. Тер-

гов пайтида эса у шунчалар қўп жиноятлар содир этганини буйини олганки, уларни содир этиш учун битта-иккита одамнинг умри етмаслигини суд инобатга олмаган. Бундан ташқари, ўша пайтда Хожсондан бўлак гумон остига олинган шахс ҳам бўлмаган. Эракллик мансийсини таҳлил қилиб, ҳақиқий жиноятчини топиш ҳам ўша пайтларда расм бўлмаган, аммо Хожсоннинг бахтига терговчилар ўшанда маний қўрсаткичларини жиноят ишига тир-каб қўйишган экан. Орадан 27 йил ўтиб бўлса ҳам адолат қарор топди. Ўша қўрсаткичлар асосида Шоннинг жиноятчи эмаслиги аниқланди.

XXI аср кишилик жамияти ҳаётининг байналмилаллашувидек тарихий қонуниятнинг кучайиши билан ажралиб туради. Давлат чегараларининг мажбурияти ва ҳар хиллигига қарамай, халқаро муносабатларда мамлакатларнинг ўзаро алоқалари ривожланиб бормоқда. Халқаро муносабатлар нафақат давлатлар, балки ҳар бир инсон ҳаётига катта таъсир кўрсатмоқда¹. Айнан ушбу асрда инсон ҳуқуқлари ва уларни таъминлаш борасидаги ҳаракатлар ҳам халқаро миқёсда, ҳам алоҳида давлатларнинг миллий миқёсда энг долзарб масалага айланди. Ушбу масалаларни ҳал қилиш йўлида қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилинди.

Халқаро миқёсда ҳал қилиниши лозим деб топилган масалалардан бири — одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар, уларнинг олдини олиш ва ушбу жиноятларга қарши курашишдан иборат. Одам савдосининг олдини олишга қаратилган халқаро ҳужжат 1949 йил 2 декабрда БМТ томонидан қабул қилинди. Бу ҳужжат «Одамлар савдоси ва фоҳишабоз-ликни учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғриси-да»ги Конвенциядир.

Одам савдоси — инсон ҳуқуқларига қарши жиноят

Бугунги кунга келиб одам савдоси трансмилий уюшган жиноятчиликнинг узвий таркибий қисмига айланди. БМТ ва миграция бўйича халқаро ташкилот мутахассисларининг таҳлилига қараганда ундан жабр кўрганлар сони миллионларни ташкил қилади.

Одамлардан шахвоний мақсадларда фойдаланиш, мажбурий меҳнат, болаларни эксплуатация қилиш, «уй қўлиги», сохта оналикдан фойдаланиш, тиланчиликка мажбурлаш, одамлардан уларнинг иродаларига қарши тарзда турли қуролли кучларда, можароларда фойдаланиш, одамлар органларидан фойдаланиш — буларнинг ҳаммаси бир жиноятнинг турли шакллари. Ҳар йили минглаб эркак, аёл ва болалар турли давлатлар чегараларини босиб ўтиб, бевосита ёки билвосита қилинадиган зўрлик ёки унинг таҳдиди остида савдо ва эксплуатациянинг объекти бўлиб қолмоқдалар. Бу муаммо бугунги кунда ривожланаётган давлатлар билан бир қаторда ривожланган мамлакатлар олдида ҳам ўз ечимини топма-дан инсон ҳуқуқларининг жиддий бузилиши ифодаси бўлиб қолмоқда. Ушбу муаммони ҳал этишнинг ягона йўли миллий қонунчилик тизимида одам савдосига қарши кураш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратишдан иборатдир.

Одамлардан ноқонуний фойдаланишга қаршилик кўрсатиш бир неча давлат органларининг ҳамкорлигидаги ҳаракатини талаб қилади. Шунга кўра бундай фаолиятни амалга оширадиган давлат органларини ва уларнинг ваколатларини аниқлаш зарурати туғилади.

2003 йилда Ўзбекистон Республикаси БМТнинг 1949 йилдаги «Одамлар савдоси ва фоҳишабозликни учинчи шахслар томонидан ишлатили-шига қарши кураш тўғрисида»ги Конвенциясига қўшилди, 2008 йилда эса одамлар, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва бу қилиш учун жазолаш тўғрисидаги, БМТнинг «Трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги Конвенциясини тўлдирувчи Протоколни ратификация қилди. Шу тариқа давлатимиз аҳолига маълумот бериш, жабрдийдаларни ҳимоя қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган дастурларни қўллаб-қувватлаш ва ўтказиш орқали одам савдосининг олдини олиш ва унга барҳам бериш мажбуриятини ўз зиммасига олди.

Бу даврда одам савдоси жиноятларига барҳам беришнинг норматив-ҳуқуқий базаси шакллантирилди. Хусусан, Жиноят кодексининг 135-моддаси (одамлардан фойдаланиш учун уларни ёлғаш жинояти) шахс-нинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоялаш ва одам савдоси жиноятларининг олдини олишга қаратилган эди.

Шу билан бирга, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар трансмилий, яъни ҳудуд ва чегара танламайдиган қилиши эканлигини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси бундай салбий кўришилларга қарши курашиш борасида халқаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, 2008 йилнинг 4 июнида Америка Қўшма Штатлари Давлат департаменти эълон қилган одам савдоси тўғрисидаги маърузада Ўзбекистон учинчи тоифали рўйхатдан иккинчи тоифали рўйхатга киритилган-лигини давлатимизда одам савдосини бартафат этиш борасида амалга оширилган ишларга берилган ижобий баҳо десак муволажа бўлмайди.

2008 йилнинг 17 апрелида «Одам савдосига қарши курашиш тўғриси-да»ги қонуннинг қабул қилиниши билан мамлакатимизда одам савдоси-дан жабрланганларни ҳимоялашнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Республикамиз Президентини томонидан 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор асосида юқоридаги қонун нормала-ри амалга татбиқ этилмоқда. Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идораларо комиссияси таркиби тасдиқланди ва иш режаси ишлаб чиқилди.

Юқоридагилардан ҳулоса қилиб айтиш мумкинки, инсон ҳуқуқлари халқаро миқёсда ва бизнинг мамлакатимизда қатъий ҳимоя остидадир. Республикаимизда одам савдоси жиноятининг олдини олиш мақсадида биринчи навбатда фуқароларни чет элларда иш билан таъминлаш билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолияти ҳамда жимсоний шахслар томони-дан тарқатиладиган иш билан таъминлаш ҳақидаги эълонларнинг қонун-ийлиги устидан назорат олиб бориш, ноқонуний фаолият билан шуғул-ланган шахсларга жазо чорасини кучайтириш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишларни янада жадаллаштириш лозим. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорлик ижобий самара беради.

Азаматжон МАМАТКУЛОВ,
Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси

Шон Хожсон воқеаси Буюкбританияда ягона ҳол эмас. 20-асрда суд ҳатосидан Англияда юзлаб бўлма-са-да, ўнлаб кишилар жабр кўришган. Уларнинг баъзи-лари оқлов ҳукми чиқарилгунга қадар яшаб қолмадилар. 1953 йили Дерек Бенгли деган шахс дорга осиб ўлдирил-ди. У эндигина 19 га кирган эди. Ақлий ривожланмаган бу йилгича 11 яшар болалардек фикрларди. Терговчи-ларнинг фикрича, ўғирлик жиноятини содир этаётганда у бир полициячини отиб ўлдирган экан. 1998 йилда аниқланишича, полициячини у эмас, балки унинг шериги 16 ёшли Крис Крейг отган экан. Крейгнинг қариндошлар-и елиб-югуриб оқлов ҳукмини чиқаришига эриши-дилар. Крис бор-йўғи ўн йил турмада ўтирган, сўнгра озодликка чиқарилган.

1950 йилда уэльслик 25 ёшли ҳайдовчи Тимоти Эванс устидан чиқарилган ҳукм ижро этилган. Тимоти хотинини ва 14 ойлик қизчасини буюб ўлдирилганини буйинга олган. Шу билан бирга у италиялик бир графинг


отасиман деб ҳам таъкидлаган. Аммо унинг буга-ларни судни муло-ҳаза юриштишга ун-дамаган. Унинг ақли заифлиги ҳам судни заррача шуб-ҳалантирмаган (70 фоиз). Тақсо-лаб кўринг, Том Ханкснинг «Форрест Гамп» фильмидаги асосий қаҳра-моннинг ақлий қуввати 75 фоиз. Тимоти устидан чиқар-илган ҳукм ижро этилгандан ўч йил кейин унинг қўшниси Жон Кристи сажизта аёлини, шу жумладан Тимотининг хотини ва 14 ойлик қизчасини буюб ўлдирилганли-да айбланиб, осиб ўлдирилган. Одил суд ҳатоси қурбонла-рини оқлаш учун эса 50 йил керак бўлди.



1952 йилда Буюкбританияда со-малилик Махмуд Хуссей Маттан осиб ўлдиришга ҳукм қилинган. Ҳукм чиқарилганда у 28 ёшда бўлган. Аммо қариндошларининг таъкид-лашича, у матрос бўлиб ишлаш мақсадида ҳужжатларига ўзгари-тиш киритиб, ўзига тўрт ёш қўшиб олган. Майли, гап бунда эмас. Унинг ёшгина инглиз миллатига мансуб

хотини бева, учта боласи етим қо-лган. Уни Кардиффдаги дўкон сохи-баси, яширинча судхўрлик билан шуғулланадиган аёлини ўлдирил-ликда айблаган. Маттаннинг уй-лашича, у матрос бўлиб қолган пичоқ топишган, ямайкалик Гарольд Ка-вер эса уни ўлдирилган аёлининг уйи олдида кўрганлигини таъкидлаган. Шунга таъкидлаш лозимки, бир неча

йилдан сўнг Кавернинг ўзи ўз қизи-ни ўлдиришга қасд қилганликда айбланиб, умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинди. 1998 йилда Махмуд Маттаннинг беваеси ва болаларига Маттан ноҳақ осиб ўлдирилганлиги учун 1.5 миллион фунт стерлинг тоvon пули тўланди ва қабр тошига «Ноҳақ қатл этилган» деб ёзиб қўйилди.



1949 йилда Ливерпулда энг катта жиноятлардан бири содир этилди. Босқинчилик жинояти пайтида кинотеатр бошқарувчиси ва унинг ёрдамчиси ўлдирилди. Полицияга эса битта имзосиз хат келиб тушди. Унда айтилишича, бошқарувчи ва унинг ёрдамчисини Жорж Келли деган шахс ўлдирилган экан. Биронта гувоҳ ҳам; далил-исботлар ҳам бўлма-са-да, 28 ёшли йигит осиб ўлдиришга ҳукм қилинади. Келлининг ака-укалари адвокатта мурожаат қилишган бўлса-да, бироз кечиккан, ҳукм ижро этиб бўлинганди. Ун йилдан кейин Келлининг энди буй этиб қолган қизи адвокат Реке Мэйкинга қайтадан мурожаат қилади. Ифот-далиллар ахтариш бўйича заҳматли ишлар бошлангди кетади. Фақат 2003 йилга келиб Жорж Келли устидан тўлиқ оқлов ҳукми чиқарилди.

1964 йилдан бери Буюкбританияда биронта ўлим ҳукми ижро этилмаган. Чунки ҳар қанча одил бўлмасин, суд ҳам хатога йўл қўйиши мумкинлиги қафда тургандек аён бўлиб қолганда. Аммо барибир, шундан кейин ҳам бир киши суд йўл қўйган хато сабабли ҳаёт билан видолашди. 1995 йилда Майк Бидл деган шахс қотил-ликка иштирок этган, деган айб билан умрбод қамоқ жазосига ҳукм этилди. У апелляция шикоятни берган бўлса-да, оқлангунга қадар яшаб қолмади, турмада вафот этди. Узи содир этмаган жиноят учун 27 йил давомида турмада ўтириб, 2002 йилда озодликка чиққан

Стивен Эвансини, суд хатога йўл қўйиб умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилган ва 2000 йилда озодликка чиқарил-ган Жонни Камарруни эслар экансиз, суд ҳам хатога йўл қўйиши мумкин экан, ёнқи унинг хато ҳукм чиқаришини ташкиллаштириш мумкин экан, деган фикрга боради киши. Ҳар қалай, Буюкбританияда суд ҳатоси қурбонлари сонини юз кишидан ошади. Хали қанча апелляция шикоят-лари кўриб чиқилиши кутиб ётибди. Қанчадан-қанча айбсиз айбдор қилинган кишилар эса ҳеч қачон оқлан-майдилар, чунки уларнинг орқасида адолатни қарор топтириш учун елиб-югурадиган қариндошлари йўқ.

30 та жангарии йўқ қилинди



Афғонистон хавфсизлик хизма-ти ходимлари Урузган вилоятида ўтказилган операцияда «Толибон»-нинг 30 та жангарисини йўқ қилиш-ди, 17 та жангари эса ярадор қилин-ди. Мамлакат ички ишлар вазирли-ги маълумотларига асосланган

ҳолда «Reuters» ахборот агентлиги шундай хабар тарқатди. Ўлдирил-ган жангарилар ичида «Толибон» ҳаракатининг дала командири мул-ла Муҳаммад Ёқуб ҳам бор. Ха-барда афғон полициячилари ора-сидаги йўқотишлар тўғрисида ҳам, операция тафсилотлари тўғрисида ҳам ҳеч нима дейилмаган.

Агентликнинг таъкидлашича, афғон полициячилари рейди «Толи-бон» ҳаракати асосини ва бош-лиги мулла Умарнинг юртида амал-га оширилган. 2008 йилда жанга-рилар ўз таъсир доираларини анча кенгайтирган эдилар. Жангарилар фаоллигининг ошиб бориши кўнги-на Фарб сибсатдонларини ташвиш-

га солиб қўйди. Улар мамлакатда халқаро тинчликсевар кучларнинг 70 мингдан ортиқ аскари бўлишига қарамаздан яна аввалги алғов-далғов кўнара бошланмасайди деган хавотирда гимирлаб қолиш-ди.

АҚШ маъмурияти Афғонистон-га 17 минг ҳарбийдан ташкил топ-ган қўшимча ҳарбий контингент ва Афғонистон қуролли кучларини тай-ёрлаш учун 4 мингта ҳарбий мас-лаҳатчи қўнатишга қарор қилди. Гуруҳларнинг кучайтирилиши Аф-ғонистон президенти сайловлари-га ҳам амалга оширилди. Прези-дентлик сайловлари эса 2009 йил август ойида бўлиб ўтади.

¹ Лукашук И.И., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарисиси асослари: Дарслик. — Т.: Адолат, 2006.

Оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий муносабатлардаги аҳамияти катта бўлиб, жамоатчилик фикрини шакллантиришда энг муҳим омиллардан ҳисобланади. Хусусан, газета ахборот тарқатадиган қўлай восита ва таъбир жоиз бўлса, ижтимоий тараққиёт катализаторидир.

Ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этишда юксак ҳуқуқий онгли ва ҳуқуқий маданиятли фуқаролар қатламининг

сида ўз мавқеига эга. Газета таҳламини варақлар экансиз, унинг қонунчилик тарғиботида мавқени мустақамлаб бораётганига, ўз услуби ва нуфузига эгаллигига амин бўласиз. Президент маърузалари, матбуотда эълон қилинаётган фармон ва қарорларга «Муносабат» рўқни остида чоп этилган («Ягона мақсад йўлида» — Б. Собиров, 2008 йил 22 февраль, «Олдимизда улкан вазифалар турибди» — О. Иzzатуллаев, 2008 йил 19 декабрь) мақола-

қозғолар бозори тўғрисида... мукамал ҳуқуқий асос», вилот адлия бошқармаси бошлиғи О. Уруновнинг «Конституция — истиқлолимиз ва озод ватанимиз рамзи» мақолаларини санаб ўтиш мумкин.

Бугунги кунда доллар муаммолардан бирига айланган одам савдоси мавзусига ҳам нашр алоҳида эътибор қаратган. «Ор-номус «савдо»си (2008 йил 25 январь), «Хар ерни қилма орзу...» (2008 йил 8 август), «Қозғистон сафаридаги

батлари ҳақидадир. Унда чуқур мулоҳаза билан кузатишлар асосида лўнда, ўқувчини ўйлантирувчи, мушоҳадага қорловчи фикрлар берилган. Чунинчи, «...ўйланиб қоларини киши, ота-она ва фарзанд муносабатлари нега мураккаблашиб бораётди? Нега фарзандларимиз эҳтиёжларини ўрганолмаяпмиз? Вазиятни барча ота-оналар ўз вақтида баҳолаб таҳлил қила оладими? Назаримда, ҳар биримиз ана шу саволларни ўзимизга бериб

оммабоб, ҳаммабоб газета. Газетада танқидий мақолалар кўп, аммо тегилли идораларнинг мутасаддилари томонидан муносабат билдирилмаган. Демак, «таҳририйат мавзуга қайтади» тарзида муаммо ечимини толган-топмаганлиги, хуллас, унинг натижаси ҳақида мақола бериб борилса, бу албатта, газета таъсирчанлигини оширади. «Журналист суриштируви», «Тизим фойдалари» рунҳарида чиқишлар қилинса нур устига аъло нур бўлар-

Оммабоб, ҳаммабоб газета

кенгайиб бориши ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бундан жамият ҳам, давлат ҳам, қолаверса, матбуотнинг ўзи ҳам баъ-баравар манфаатдордир. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий фаоллигини ошириш ҳуқуқий нашрлар фаолиятининг асосий йўналишидир. Матбуот эркин фикр минбарига айланганга, ўз олдига турган вазифани холис ва виждонан адо этсагина муштарийлар қўлидан тушмайди.

Бухоро вилот прокуратураси муассислигида чоп этилган «Адолат нури» газетаси вилотдаги қирққа яқин даврий нашрлар ора-

лар таҳририятнинг ҳозиржавоблигини кўрсатади.

«Янги қонун қабул қилинди» рўқни остида ҳар бир қабул қилинган қонунлар ҳақида ҳуқуқшунос-мухтаassisларнинг мақолалари бериб берилмоқда. Бу қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламга етакши ва тарғиб қилиш билан бир қаторда, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда аҳамияти каттадир. Масалан, вилот прокурори катта ёрдамчиси И. Ражабовнинг «Одам савдосига қарши кураш», вилот прокуратураси бўлим катта прокурори Жаҳмедовнинг «Қимматли

савдолар» (2008 йил 19 сентябрь), «Хориждан жаннат изланган» (2008 йил 26 сентябрь), «Хориж «синдром»и ёхуд...» (2008 йил 26 декабрь) каби мақолаларда одам савдосидан жабр кўрганларнинг бошидан кечирганлари, бу жиноят турининг нечоғли хавфли эканлиги ва унга қарши кураш ҳақида сўз боради.

Вилот прокурори катта ёрдамчиси М. Воҳидов қаламига мансуб «Фарзандларимиз бахти — бизнинг бахтимиз» (11 июль 2008 йил, №26) сарлаҳали мақола вояга етмаганлар ўртасида ўз жонига қасд қилиш, бола ва ота-она муноса-

қурилиши керак», дейди муаллиф. «Ўқни қора деб бўлмас... ёхуд судда ёлгон гувоҳлик беришнинг оқибати хусусида» (Мухаммад Бекмуродов, Учқун Тожиев) мақоласи мазмун сарлаҳасининг ўзидаяқ акс этади. Судда ёлгон кўрсатма бергани учун фуқаролар Ш. Разақов ва Ш. Содиқовлар жиноий жавобгарликка тортилгани баён қилинади.

Газета саҳифаларини варақлар экансиз, унда нафақат прокурор, судьяларнинг, балки бошқа соҳа ходимларининг, ўқувчи ва талаба ёшларнинг материалларини учратиш мумкин. Демак, «Адолат нури»


ди. Фотоларга газета кўринишини беэайди, чунки газетхонни ўзига жалб этадиган нарса, аввало, унинг дизайнидир. Саҳифаларни макетлаштиришда шунга эътибор қаратиш лозим.

Таҳририятда малакали, ихтисослашган журналистлар мактаби шаклланган дейиш мумкин. Чунки, республика марказий нашрларидан ҳам уларнинг фаоллиги кузатилади. Шижоатли, куюнчак ижодкорларга омад тилаймиз.

Ҳаёт ШАМСУТДИНОВ,
Республика Бош прокуратураси бўлим прокурори

Таъкидлаш жоизки, компьютер жиноятлари учун жиноий жавобгарлик белгиланган чет мамлакатлар қонунчилиги бир-бирдан тубдан фарқ қилади. Шундай бўлса-да, барча қонунларнинг мақсади муштарак, фақат уларнинг олдини олиш усуллари турличадир. Хусусан, ҳозирги кунда дунёнинг 52 та мамлакатидида «Виртуал оламдаги жиноятлар ва жазо» деб номланувчи қонуннинг қабул қилинганлиги фикримизнинг исботи бўла олади.

Ахборотлаштириш ва компьютер жиноятлари соҳасидаги биринчи норматив ҳужжат 1978 йилда АҚШнинг Флорида ва Аризона штатларида қабул қилинган «Компьютер жиноятлари тўғрисида»ги акт ҳисобланади. Айтиш жоизки, кўпгина ривожланган мамлакатларда бевосита компьютерга оид жиноятларни тарғибга солиш мақсадида қабул қилинган қонун ҳужжатлари аллақанда амал қилмоқда. Бунга қуйидагилари



Ахборот ва ахборот технологиясидан жиноий мақсадни кўзлаб фойдаланиш муаммоси борган сари барча давлатларни ташвишга солмоқда. Унинг ижтимоий хавфлилик даражаси кун сайин ортиб, бугунги кунда бутун дунё ҳамжамияти олдидида глобал муаммолардан бирига айланмоқда. Бундай шароитда ушбу соҳада юзага келаётган жиноятларнинг олдини олиш, уларга муносиб жазо тайинлаш масаласи ҳар бир давлат қонунчилигида алоҳида аҳамият касб этади.

риб, Нью-Йоркдаги Америка банкidan 10 млн. АҚШ доллардан ортқ пул ўғирлаган Левин мисол бўла олади. АҚШда ФБР томонидан элликка яқин автоматлаштирилган маълумотлар банкига рухсатсиз кирган Милиуокидаги хакерлар гуруҳи қош қилинди.

Компьютер қароқчилиги ҳам дунёдаги кенг тарқалган жиноятлардан бири бўлиб, маълумотларга кўра, Россияда умумий компьютер жиноятлари орасида компьютер қароқчилиги 94 фоизни, Германияда 50 фоизни, АҚШда 35 фоизни ташкил этган. Хитойда эса компьютер қароқчилиги Россиядагидан ҳам кўпроқ содир этилар экан.

Ўқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, компьютер жиноятларнинг турлари шунчалик кўпки, бугунги кунгача олимлар бу хусусда маълум тўхтамага келишолмаган. Айрим адабиётларда компьютер техно-

Компьютер жиноятлари: тажриба ва амалиёт

мисол қилишимиз мумкин:

1982 йилда Португалияда компьютер тўғрисидаги қонун, 1984 йилда Буюк Британияда маълумотни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун, 1984 йилда АҚШда компьютер тўғрисидаги федерал қонун, 1985 йилда Канадада компьютер тўғрисидаги қонун, 1986 йилда Германияда худди шундай қонунлар қабул қилинган.

Айтиш жоизки, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг кенг кўлами бевосита компьютер технологияси орқали содир этилади. Бу борада ҳозирда кундалик ҳаётимизда барчамиз учун зарурий эҳтиёжга айланган улгурган Интернетнинг ўрни бекиёсдир ва ўз навбатида Интернет орқали содир этилаётган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси анча оқоридир.

Бу тизимда кенг тарқалган жиноятлар, яъни жамият учун энг хавфли муаммолардан бири — тармоқда порнографик характердаги ахборот киритилишидир.

Бу турдаги ахборотларнинг кенг тарқалиши кейинги вақтда жаҳон миқёсида ёшлар, вояга етмаганлар ахлоқсизлигининг кучайишига олиб келмоқда. Мазкур муаммо биринчи навбатда, миллий ва халқаро миқёсда ахлоққа қарши жиноятлар, шу аснода ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш учун тегишли чора-тадбирларнинг амалга оширилишини талаб этмоқда. Бу борада ҳозиргача чет мамлакатларда қўрилаётган тезкор чора-тадбирлар этилган муаммони ечишда

бир қанча энгилликлар яратди. Хусусан, 1998 йилнинг кузида 12 та давлат ҳуқуқ-тартибот органлари ҳамкорлигида тадбир ўтказилиб, бунинг натижасида 100 мингга яқин болалар порнографияси файлларига эга яширин «Страна чудес» интернет клубининг 107 нафар аъзоси қамоққа олинган. Шу иш бўйича АҚШда 32 нафар, Германияда 18 нафар, Италияда 16 нафар одам қамоққа олинган. Мазкур тадбир натижаларига кўра, 2000 йил кузида Буюк Британияда Интернет хакерларига қарши курашувчи «компьютер полицияси» деб номланган махсус бўлим ташкил этилди. Бу бўлим самардорлиги юқорилиги билан компьютер жиноятлари сонини кескин қўқсартдири.

Шу каби 2000 йил сентябрда Италия ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари интернетга «порносайт» киритган 500 кишини қамоққа олдилар, уларни текширишда болалар порнографияси бўйича таниқли эксперт — сицилиялик руҳоний Фортинато ди Нато қатнашган. Унинг ёрдами билан Рим ва Неаполда 8 нафар порносавдочилар қамоққа олинди.

Россияда истиқомат қилувчи С. Саушкин ва О. Пьянчиклар Paradise Web Hosting серверида порносайт очилган ва унинг банк ҳисоби Канаданинг Real Internet Company Inc. да очилди. Хоҳлаган шахс бу ҳисобга 9 доллардан 25 долларгача миқдорда пул ўтказиш, турли характердаги порнографик ахборотга эга бўлиши мумкин эди. Оператив кузатув тадбирлари давомида виртуал ман-

зил бўйича жиноятчилардан бирининг ҳақиқий манзили аниқланди ва тез орада улар қўлга олинди.

АҚШда «компьютер пойтахти» — Калифорния штатидаги Сан-Хосе Федерал бюроси компьютер жиноятлари билан шуғулланувчи хизматларни бир гуруҳга жамлади. Бу эса жиноятларни тезкор фож этиш имконини яратди.

Янги технологиялар янги жиноятларни яратди. Компьютерлар пайдо бўлиши билан компьютер ўғирликлари кенг тарқалди. Хорижий статистик маълумотларга назар ташласак, Германияда компьютер орқали ҳар йили 4 млрд. гача, Францияда 1 млрд. АҚШда ҳам бир неча млрд. долларлар миқдордаги сумма ўғирланади. Россияда ҳам компьютер орқали ўғирлик содир этиш жиддий муаммога айланган. Масалан, Москвадаги Инкомбанк фирмаларидан бирида беш бутгалтер пароли билан ва ўз компьютеридадан фойдаланган ҳолда фирманинг «тўлов кирими» бўлимига кириб хориж валютасидаги катта суммани (73485, 9300 ва 42585 АҚШ доллари миқдориди) 3 марта бошқа ҳисобга ўтказган ва воситачи орқали уларни олишга муваффақ бўлган.

Компьютердаги ўғирликлар чегара билмайди, улар хоҳлаган пайт, хоҳлаган ҳудудда ва хоҳлаган мамлакатнинг банкида содир этилиши мумкин. Бунга Санкт-Петербургда ту-

логияси билан бевосита алоқадор жиноятларнинг қуйида-

ги асосий турлари келтириб ўтилган:

1. Компьютер маълумотларига рухсатсиз кириш;
 2. Компьютер тизимини маълум шароитда қисман ёки тўлиқ ишдан чиқаришда ёрдам берадиган «манتيқий бомба» дастурий таъминотига кириш;
 3. Компьютер вирусларини тарқатиш;
 4. Дастурий таъминот комплексларидан фойдаланиш, тайёрлаш ва ишлаб чиқаришдаги жиноий ҳаракатлар;
 5. Компьютер маълумотларини сохталаштириш;
 6. Компьютер маълумотларини ўғирлаш.
- Қўнчилик мамлакатларда компьютер жиноятларига қарши курашиш масалаларига ҳуқуқий пойдевор яратилган бўлишига қарамай, ҳозирги даврдаги ахборий муҳит ҳар бир мамлакатнинг бу борадаги қонунчилик тизимини қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда. Шунини таъкидлаш жоизки, ҳозирда жаҳоннинг юздан ортқ мамлакатлари кибержиноятчиликка қарши курашишга доир қонунларга эга эмас. Кибержиноятчилик муаммоси жаҳон ҳамжамиятини унга қарши курашиш юзасидан зарур чоралар қўришга ундамоқда.

Дилмурод ХУСАИНОВ, Олим ФАЙЗИЕВ, ТДЮМ талабалари

Huquq
yuridik gazeta

To' sischi:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV,
Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor
NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari),
Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK,
Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
233-10-53.

E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 233-64-85, 233-10-53.

Газета O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida
2007 yil 22 yanvarda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va
suratlar egaloriga qaytarilmaydi.
Muhalliflarning fikrlari tahririyat fikridan
farqlanishi mumkin. Nashrimizdan
ko'chirib baslanganda «HUQUQ» dan
olinganlari ko'rsatilib shart. Tjorat
ahbariyatiga molik materiallar **
belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Г — 155. 25 243 nusxada bosildi.
Газета tahririyat kompyuter bazasida terildi va
sahifalandi: «HUQUQ» original maketi.

Sahifalovchi: X.HAMIDOV
Navbatchi muharrir: O'. DEHOONOV
Navbatchi: O'.DEHOONOV
Muharrir: A.MUSTAFOYEVA

Газета «Sharq» NMAK bosmazonasida ofset usulida chop etildi. Korxonada
manzil: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Bosmazonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirish: 22.30 | 3 456 7 8

Газета haftaning
payshanba kunlari
chiqadi.

Setuvda kelishilgan
narxda

№ 101/2010-7617